



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 3 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 9, НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
VOLUME 9, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ермегов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Баҳадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Аҳмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллажаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети


Турсунова Юлдуз Бобоқулловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Dilshod Komolov, Asilbek Zulfiqorov YANGI O‘ZBEKISTONDA ADVOKATURA INSTITUTINING RAQAMLI TRANSFORMATSIYASI.....	5
2. Faxriddin Yormatov, Nurullo Tursunov JAMIYAT HAYOTIDA NURONIYLARNING TUTGAN O‘RNI VA YANGI O‘ZBEKISTONDA ULARNI HAR TOMONLAMA QO‘LLAB-QUVVATLASHNING AMALIY IFODASI.....	11
3. Nodira Toliboyeva O‘ZBEKISTONDA XOTIN-QIZLARNI TA‘LIM TIZIMIGA JALB ETISH: TARIXIY TAJRIBA VA MUAMMOLAR.....	18
4. Гулчехра Дадамирзаева СОВЕТЛАРНИНГ КОСИБ-ХУНАРМАНДЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.....	23
5. Akmal Mengliboyev QIZIL ARMIYA BOSQINIGA QARSHI SURXON VOHASIDA KURASHNING BOSHLANISHI.....	32
6. Ulug‘bek Mirzaliyev, Farhod Umurzoqov SIRDARYO VA JIZZAX VILOYATLARIDAGI URBANIZASIYA JARAYONLARI.....	39
7. Абдисаттор Қосимов ЧОРВАЧИЛИКДА СУРХОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИ АСРИЙ ХЎЖАЛИК АНЪАНАЛАРИ.....	45
8. Sardorbek Rahimberdiyev TRANSMILLIY MIGRATSIYA SHAROITIDA O‘ZBEK MIGRANTLARINING MADANIY IDENTIFIKATSIYASI VA KUNDALIK HAYOT STRATEGIYALARI (KOREYA RESPUBLIKASI MISOLIDA).....	49
9. Shavkat Shapiyev FARHOD GIDRO ELEKTR STANSIYASI – O‘ZBEKISTONNING ENERGETIKA USTUNI.....	57
10. Diyora Chorshanbiyeva 2016-YILDAN KEYIN O‘ZBEKISTONDA DAVLAT BOSHQARUVINING TRANSFORMATSIYASI VA YOSHLAR MASALASI.....	65
11. Sitora Nosirova DOSTONLARDA O‘ZBEK OILASINING IJTIMOIIY HAYOTDAGI KO‘RINISHLARI.....	72
12. Lutfillo Mamasaidov O‘ZBEKISTONDA SAVODSIZLIKNING TUGATILISHI VA YANGI TA‘LIM TIZIMINI TASHKIL ETILISHI TARIXIDAN.....	76



Ulug'bek Begmurzayevich Mirzaliyev,
Guliston davlat pedagogika instituti dotsenti,
tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
Farhod Odil o'g'li Umurzoqov,
Guliston davlat pedagogika instituti magistranti

SIRDARYO VA JIZZAX VILOYATLARIDAGI URBANIZASIYA JARAYONLARI

For citation:Ulug'bek Mirzaliyev, Farhod Umurzoqov. URBANIZATION PROCESSES IN SIRDARYO AND JIZZAKH REGIONS. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 3.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18941957>

ANNOTATSIYA

Maqolada Sirdaryo va Jizzax viloyatlaridagi urbanizatsiya jarayonlari uning demografik jarayonlarga ta'siri, shaharlardagi aholining migratsiyon jarayonlari, shaharlarning ijtimoiy-iqtisodiy hayotda tutgan o'rni, aholi soni, jinslar tarkibi, aholi zichligi kabi jarayonlarning mazmun-mohiyati yoritilgan. Mustaqillik yillarida Sirdaryo va Jizzax viloyatlarida ijtimoiy-iqtisodiy sohalarda qator o'zgarishlar amalga oshirildi. "Jizzax" erkin iqtisodiy zonasining tashkil qilinishi, shuningdek sanoat korxonalarining soni keskin ortishi, aholining ish bilan ta'minlash darajasi ham ortib, aholining kundalik turmush tarzi hamda yashash sharoitida o'zgarishlar jarayonlari yoritilgan.

Kalit so'zlar: Sirdaryo, Jizzax, urbanizatsiya, migratsiya, aholi, jins, iqtisodiy hayot, tuman, shahar, demografik jarayonlar, aholi zichligi.

Улугбек Мирзалиев,

Доцент Гулистанского государственного педагогического института, кандидат философских наук (PhD) по историческим наукам

Фарход Умурзоков,

Магистрант Гулистанского государственного педагогического института

ПРОЦЕССЫ УРБАНИЗАЦИИ В СЫРДАРЬИНСКОЙ И ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТЯХ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются процессы урбанизации в Сырдарьинской и Джизакской областях и их влияние на демографическое развитие. Рассматриваются миграционные процессы в городах, роль городов в социально-экономической жизни, численность населения, половой состав и плотность населения. Исследование раскрывает суть и значимость этих процессов и анализирует их влияние на демографические изменения в регионах. В годы независимости в Сырдарьинская область и Джизакская область были осуществлены значительные социально-экономические преобразования. Создание свободной

экономической зоны «Джизак», а также резкий рост числа промышленных предприятий способствовали повышению уровня занятости населения.

Ключевые слова: Сырдарья, Джизак, урбанизация, миграция, население, пол, экономическая жизнь, район, город, демографические процессы, плотность населения.

Ulugbek Mirzaliyev,
Associate Professor at Gulistan State
Pedagogical Institute, Doctor of Philosophy
(PhD) in Historical Sciences
Farxod Umurzoqov,
Master's Student at Gulistan State
Pedagogical Institute

URBANIZATION PROCESSES IN SIRDARYO AND JIZZAKH REGIONS

ABSTRACT

The article examines the processes of urbanization in Sirdaryo and Jizzakh regions and their impact on demographic development. It highlights migration trends in urban areas, the role of cities in socio-economic life, population size, gender composition, and population density. The study reveals the essence and significance of these processes and analyzes their influence on regional demographic changes. During the years of independence, a number of socio-economic reforms were implemented in the Sirdaryo Region and Jizzakh Region. The establishment of the Jizzakh Free Economic Zone, as well as the sharp increase in the number of industrial enterprises, contributed to higher employment levels. As a result, significant changes were observed in the population's daily lifestyle and living conditions.

Index Terms: Sirdaryo, Jizzakh, urbanization, migration, population, gender, economic life, district, city, demographic processes, population density

1. Долзарблиги:

Жаҳон миқёсида юз бераётган шиддатли ўзгаришлар жараёнида бугун дунёнинг бирон-бир ҳудудида бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида бир неча сонияда хабар мумкин. Мазкур масалалар қаторига урбанизация жараёнлари ҳам кириб, бу эса ривожланаётган давлатларда шаҳарларнинг тобора кенгайиб, тараққий этиб бораётганлиги билан бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда-ки, айни пайтда улар глобал муаммолардан бирига айланди. Буларнинг ечимини катта шаҳарлар атрофидаги кичик ва ўрта шаҳарларни ривожлантириш орқали ҳал этиш мумкин {1.4}

Урбанизация (французча-urbanisation, инглизча-urbanization, лотинча-urbanus-шаҳарга мансуб) - жамият ҳаётида шаҳарлар ролининг ортиб бориши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлашуви, аҳолининг ижтимоий, демографик таркиби, турмуш тарзи ва маданиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ тарихий ривожланиш асосида шаклланган жамият бочқичлари ва ҳудудий меҳнат натижасида содир бўлган кўп қиррали ижтимоий-иқтисодий ва географик жараёндир {2.114}.

2. Методлар:

Урбанизация – ниҳоятда мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, вақт ўтиши натижасида ва ҳудудларда рўй берадиган ҳодисалар оқибатида у ҳам ўзгара боради. Шу боис бу жараённи бошқаришда катта қийинчиликлар вужудга келиши табиий. Урбанизация ва аҳолининг ҳудудлар бўйлаб жойлашиш муаммоси ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Чунки шаҳарларда ишлаб чиқариш кучларини оқилона, мақсадга мувофиқ тарзда жойлаштириш зарур. Урбанизация даражаси жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини намоён қилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 10 январдаги “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5623 сонли

фармони республикада урбанизация жараёни ва шаҳарларни ривожлантириш йўлида муҳим туртки бўлди. Унда “... бугунги урбанизация даражаси шаҳарни комплекс ривожлантириш бўйича замонавий талабларга жавоб бермайди ва жаҳон тенденцияларидан сезиларли даражада ҳанузгача барқарор хусусиятга эга эмас” – эканлиги таъкидланди {3.19}.

Дунё давлатларининг қандай тараққий этганлигини мавжуд шаҳарларга қараб ҳам белгилаш мумкин {4.79}. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида мамлакатда жойлашган шаҳарларнинг алоҳида ўрни бор. Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб республика шаҳарларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада дастлабки қадам жаҳон маданий тараққиётига улкан ҳисса қўшган юбилей тантаналари республикада ва дунёнинг нуфузли ташкилотлари ЮНЕСКО томонидан нишонланиши бўлди. Маълумки, Иттифок даврида республика шаҳарларидаги қадимий ёдгорликлар оёқ ости қилинди, тарихий шаҳарларнинг номини унуттириш мақсадида эски номи олиб ташланиб, ўрнига сунъий номлар қўйилган эди. Мустақиллик йилларида республикадаги шаҳар ва туманлар, шу жумладан, Мирзачўлдаги 4 та шаҳар ўзининг ҳақиқий номига эга бўлди.

Мирзачўлдаги номи ўзгарган шаҳарлар.

№	Вилоятлар номи	Шаҳарларнинг эски номи	Шаҳарларнинг янги номи
1	Сирдарё	Великоалексеевский	Бахт
2	Сирдарё	Голодная степь (Мирзачўл)	Гулистон
3	Жиззах	Ержар	Гагарин
4	Жиззах	Обручево, Ульяново	Даштобод

3. Тадқиқот натижалари

2002 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси”ни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорини қабул қилиниши республикадаги урбанизацион жараёнларни жадаллашувига сезиларли туртки бўлди. Мазкур қарорда Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тартибга солиниб, аҳоли пунктлари турларга бўлинди. Хусусан, Қонуннинг 9-моддасида аҳоли пунктларининг турларга бўлиниши белгилаб қўйилди:

- Энг йирик аҳоли пункти-аҳолисининг сони 1 миллиондан ортиқ кишидан иборат;
- Йирик аҳоли пункти-аҳолисининг сони 250 мингдан 1 миллионгача кишидан иборат;
- Катта аҳоли пункти-аҳолисининг сони 100 мингдан 250 минггача кишидан иборат;
- Ўртача аҳоли пункти-аҳолисининг сони 50 мингдан 100 минггача кишидан иборат;
- Кичик аҳоли пункти-аҳолисининг сони 50 минггача кишидан иборат {5.18}.

Бугунга кунда жаҳонда урбанизация жараёнлари шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бу тараққиёт, албатта, дунёдаги барча давлатларда ўзига хос тарзда кечиб, республикадаги шаҳарлашув масалалари ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми кишлоқларда яшаши сабабли ушбу ҳудудларга шаҳар маданиятини олиб кириш, йирик кишлоқларни шаҳар типигаги посёлкаларга айлантириш, энг муҳими, аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мкамасининг 2009 йил 13 мартда 68-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида {6}ги қарорига асосан республикадаги 966 та кишлоқ аҳоли пунктига шаҳарча мақоми берилди. Бу эса урбанизация даражасини 57,4 %га кўтарилишига олиб келди.

Тарихан олиб қараганда, Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши натижасида Сирдарё ва Жиззах вилоятларида шаҳарлар тарихи бошланган эди.

Сирдарё вилоятидаги шаҳарлар.

№	Шаҳар номи	Ташкил топган йили
1	Янгиер	1957
2	Гулистон	1961
3	Бахт	1964
4	Сирдарё	1971

5	Ширин	1972
---	-------	------

Жиззах вилоятидаги шаҳарлар.

№	Шаҳар номи	Ташкил топган йили
1	Жиззах	Х аср
2	Ғаллаорол	1973
3	Пахтакор	1974
4	Даштобод	1974
5	Гагарин	1974
6	Дўстлик	1983

Сирдарё ва Жиззах вилоятлари шаҳарларида мустақиллик йилларида аҳоли сонидан ўсиш кўрсаткичлар қайд этилди. Буни қуйидаги жадвалларда келтирилган статистик маълумотларда кўриш мумкин.

Сирдарё вилояти шаҳарларида аҳоли сони

№	шаҳар	1990	1995	1998	1999	2000	2007	2008
1	Гулистон	60,0	53,4	54,6	55,1	55,3	56,2	56,7
2	Бахт	12,0	9,7	11,2	11,3	11,7	11,5	11,6
3	Сирдарё	25,0	28,2	29,9	29,9	29,7	28,5	28,6
4	Ширин	12,0	11,7	12,0	13,8	13,9	15,9	16,1
5	Янгиер	37,0	29,1	28,6	28,4	28,2	30,5	30,9

Жиззах вилояти шаҳарларида аҳоли сони

№	шаҳар	1990	1995	1998	1999	2000	2007	2008
1	Жиззах	115,0	123,0	125,4	126,7	128,9	139,1	140,9
2	Даштобод	16,0	17,8	19,4	19,7	20,2	24,5	24,8
3	Дўстлик	12,0	15,1	15,7	15,9	16,0	17,0	17,4
4	Гагарин	24,0	20,2	20,3	20,2	19,1	15,0	14,2
5	Пахтакор	18,0	17,6	18,0	18,1	18,2	19,9	20,2
6	Ғаллаорол	16,0	20,0	21,2	21,2	21,4	23,3	23,6

Сирдарё вилояти шаҳарларидаги аҳолининг 1990 – 2008 йиллар оралиғидаги статистик маълумотлар таҳлили шундан далолат берадики, бу даврда асосан Гулистон ва Янгиер шаҳарларида аҳоли сони камайган бўлиб, бунга асосий сабаб, бу шаҳарлар аҳолисининг асосий қисми бошқа миллат вакиллари ташкил қилганлигидир. Собик иттифок парчалангач мазкур миллат вакиллари ўз ватанларига қайтиб кетишди. Лекин Бахт, Ширин, Сирдарё шаҳарларида бу даврда аҳоли сони камаймаган балки кўпайган.

Жиззах вилояти шаҳарларида эса аҳоли сонининг камайишини фақат Гагарин шаҳрида кузатиш мумкин. Масалан, 1990 йил Гагарин шаҳри аҳоли сони 24,0 минг бўлган бўлса, 2008 йилга келиб, 14,2 минг аҳолини ташкил этган {7}. Бунинг сабаби, Гагарин шаҳри аҳолисининг асосий қисмини қозоқ ва рус миллатига мансуб аҳоли ташкил қилиб, улар ўз ватанларига қайтиб кетишган эди. Сирдарё ва Жиззах вилоятлари шаҳарларининг ҳудудий жойланишига кўра, Сирдарё вилояти шаҳарларининг катта қисми чўл зонасидан ташкил топган. Жиззах вилояти шаҳарларининг 3 таси чўл ҳудудларида, 3 таси тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган. Бу ҳам ўз навбатида шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз таъсирини ўтказди.

Ширин шаҳри 1972 йил 27 июнда ташкил топган бўлиб, умумий майдони 13,4 кв.км, аҳоли сони 16,0 минг киши. Ширинда 1990 йил 12,0 минг, 1995 йил 11,2 минг, 2000 йил 13,9 минг аҳоли истиқомат қилган. Ширин шаҳри Боёвут, Ховос туманлари билан ҳамда Тожикистон Республикаси ва Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳри билан чегарадошидир.

Ширин шаҳрида 6 та маҳалла ва 5 та Гузарлар мавжуд бўлиб, 2008 йил 1 январь ҳолатига банд аҳоли сони 7,0 мингтани ташкил этиб, шундан 4,5 минг киши моддий ишлаб чиқаришда ва 2,5 минг киши номоддий ишлаб чиқаришда банд {8}. Шаҳар ҳудудида 2 та энг йирик “Сирдарё ГРЭС” ва “Фарход ГЭС” фаолият юритаётган бўлиб, республикада ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг 1/3 қисми уларнинг хиссасига тўғри келади. Шаҳар

аҳолисининг аксарият қисми ушбу корхоналарда ва хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасида меҳнат қилишмоқда. 2008 йил 1 январь ҳолатига шаҳар аҳолиси 98,0 фоиз табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланган. Шунингдек, жорий йилда жами 0,4 км ичимлик суви ва 0,5 км газ қувурлари тортилиб фойдаланишга топширилди.

Шаҳарда 4 та умумтаълим мактаблари бўлиб уларнинг барчаси замонавий мактаблар сирасига киради. Шаҳарда янги иш ўринлари яратиш Дастурининг бажарилиши 2004 йилда 123,4 фоизни, 2005 йилда 100,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 108,1 ва 2007 йилда 100,8 фоизни ташкил этди. Турар-жой бинолари билан таъминланиши 2004 йилда 4,4 минг кв.м бўлган бўлса, 2007 йилда 5,7 минг кв.мни ташкил этди. Шаҳар бўйича ташилган юк миқдори 2004 йилда 661,2 минг тонна, 2005 йилда 273,3 минг тонна, 2006 йилда 907,0 минг тонна бўлган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 238,1 минг тоннани ташкил этди. 2004 йилда 2880,4 минг йўловчи ташилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 4043,3 минг кишига етди {9}.

Янгиер шаҳри 1957 йил 15 мартда ташкил топган бўлиб, умумий майдони 30,0 кв.км. Шаҳарда 30,9 минг киши истиқомат қилади. Янгиерда 1959 йил 6,8 минг, 1970 йил 16,3 минг, 1990 йил 37,0 минг, 1995 йил 29,1 минг, 2000 йил 28,2 минг аҳоли бўлган {10}. Янгиер шаҳрида 8 та маҳалла ва 5 та Гузарлар мавжуд бўлиб, шаҳар ҳудудидан кесиб ўтган Катта Ўзбек Тракти автомобиль йўли шаҳар иқтисодиётида муҳим ўрин тутади.

2007 йилда шаҳардаги саноат корхоналари томонидан жами 4,2 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 134,6 фоизни ташкил этган эди. Шунингдек 2,8 млрд. сўм (142,1 %) халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. 3,8 млрд. сўмлик капитал кўйилмалар ўзлаштирилди (68,6 %), 2,4 млрд. сўмлик (118,9 %) қурилиш ишлари амалга оширилди. Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 0,8 млрд. сўм (105,0 %), чакана совдо айланмаси 14,7 млрд. сўм (120,2 %), аҳолига пулли хизмат кўрсатиш 2,6 млрд. сўм (102,5 %), экспорт ҳажми 0,4 млн. АҚШ доллари (166,7%) ва импорт 0,4 млн. АҚШ доллари (137,7 %)ни ташкил этди {11}

Кичик бизнесни ривожлантириш учун 2007 йил мобайнида жами 687,7 млн. сўм, шу жумладан, 288,3 млн. сўм қисқа муддатли ва 399,4 млн. сўм узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Шаҳарда 12 та умумтаълим мактаблари бўлиб уларнинг барчаси замонавий мактаблар сирасига киради. Шаҳарда янги иш ўринлари яратиш Дастурининг бажарилиши 2004 йилда 141,2 фоизни, 2005 йилда 101,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 108,1 ва 2007 йилда 100,2 фоизни ташкил этди. Турар-жой бинолари билан таъминланиши 2004 йилда 12,0 минг кв.м бўлган бўлса, 2007 йилда 12,4 минг кв.мни ташкил этди. Шаҳар бўйича ташилган юк миқдори 2004 йилда 610,4 минг тонна, 2005 йилда 652,0 минг тонна, 2006 йилда 1165,8 минг тонна бўлган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 1467,7 минг тоннани ташкил этди. Худди шундай 2004 йилда 13554,2 минг йўловчи ташилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 6774,4 минг кишига тушиб қолганини кузатиш мумкин {12}. Бу ўз навбатида шаҳардаги инфраструктура, жумладан, логистика масаласида айрим муаммолар бўлганлигидан далоат беради.

4. Хулосалар:

Шу ўринда алоҳида қайд этиш керакки, Жиззах вилояти шаҳарларининг кўпчилиги янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида пайдо бўлган. Жумладан, 1974 йили Даштобод, Гагарин, Пахтакор шаҳарлари, 1980 йил Маржонбулоқ шаҳри вужудга келган. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1980 йил 6 августдаги Фармонида биноан Бахт посёлкаси районга бўйсунувчи шаҳарга айлантирилди. Бахт шаҳри ҳам узоқ тарихга эгадир. 1911 йил Велико-Алексеевский темир йўл станциясида пахта тозалаш заводи қурила бошланиб, 1914 йил ишга туширилди. 1947 йил 22 майда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлар Совети томонидан Велико-Алексеевский қошидаги аҳоли пунктини Велико-Алексеевский ишчи посёлкаси деб номлади {13} ишчи посёлкаси Бахт посёлкаси деб аталди. Бахт шаҳрида 1990 йил 25 минг, 1995 йил 28,2 минг, 2000 йил 13,9 минг аҳоли бўлган. Ҳозирги кунда Бахт шаҳри туманга бўйсунувчи шаҳар мақомини олган. Вилоятнинг маъмурий-маданий маркази Гулистон шаҳри ҳисобланиб, унда 75,8 минг киши истиқомат қилади. Гулистон шаҳри

вилоятнинг Мирзаобод, Гулистон ва Боёвут туманлари билан чегарадош. Гулистон шаҳрида 3 та ҚФЙ, 14 та маҳалла ва 8 та Гузарлар мавжуд бўлиб, 2008 йил 1 январь ҳолатига банд аҳоли сони 37,2 мингтани ташкил этиб шундан 24,1 минг киши моддий ишлаб чиқаришда ва 13,1 минг киши номоддий ишлаб чиқаришда банд{14}Гулистон шаҳрида вилоятнинг асосий саноат корхоналаридан “Сарруна Текстил” ҚК, “Сарбронтекс” ҚК, Гулистон таъмирлаш механика заводи, “Гулистон Неопринт” МЧЖ, “Гулистон экстрактёғ” АЖ ҳамда вилоят, шаҳар корхона ташкилотлар ва муассасалар мавжуд бўлиб, уларда аҳолининг аксарият қисми меҳнат қилишмоқда. 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра шаҳар бўйича жами 1946 та хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан 4 та фермер хўжаликлари, 1442 та кичик корхоналар ва микрофирмалардир. 2007 йилда шаҳардаги саноат корхоналари томонидан жами 32,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 123,2 фоизни ташкил этди{15}

Iqtiboslar/ Сноски/ References:

- 1) Тўхтабоева Д. Фарғона водийсидаги урбанизация жараёнлари. - Тошкент: Turon Iqbol, 2018. - Б.4.
- 2) Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005. №9. - Б. 114.
- 3) Таштаева С., Батирова Ш. Ўзбекистонда урбанизация: замонавий хусусиятлар, муаммолар, истикболлар. Ўзбекистон ва Россияда география фани: умумий муаммолар, ҳамкорлик имкониятлари ва истикболлари / Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент, 2019. - Б.13-19.
- 4) Хорева Б.С., Киселовой Г.П. Урбанизация и демографические процессы. - Москва: Финансы и статистика, 1982. - С. 79.
- 5) Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси. - Тошкент: Адолат, 2004. - Б.18.
- 6) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 68-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й, 12-сон, 130-модда.
- 7) Ўз МА, 110-фонд, 1-рўйхат, 3717-иш, 120-варақ.
- 8) Ўз МА, 110-фонд, 1-рўйхат, 3717-иш, 125-варақ.
- 9) СВ МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 314-иш, 100-варақ.
- 10) СВ МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 323-иш, 25-варақ.
- 11) СВ МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 323-иш, 3-варақ.
- 12) СВ МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 314-иш, 88-варақ.
- 13) Сирдарё ҳақиқати. 1982 йил, 20 август.
- 14) СВ МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 314-иш, 124-варақ
- 15) СВ МА, 95-фонд, 1-рўйхат, 323-иш, 3-варақ.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000